

AMIR TEMUR'S ATTITUDE TO NATURE

Usmanova Muborak Akmaljanovna -

Jamoat of the Republic of Uzbekistan

University of Security professor

doctor of jurisprudence., professor

Akhmedova Mukaddashon Tursunovna -

Jamoat of the Republic of Uzbekistan

University of Security professor

Doctor of Law., Associate Professor

Annotation. Amir Temur's contribution to the prosperity and stability of the Motherland, the well-being and prosperity of the people, peace and tranquility, the health of citizens, spiritual and physical health and well-being depends on the purity of nature, its richness and richness. lit.

Keywords. Plane Garden, Dilkusho Garden, Paradise Garden, High Garden, landscaping, landscaping, construction, farming, garden creation, irrigation

АМИР ТЕМУРНИНГ ТАБИАТГА МУНОСАБАТИ

Усманова Муборак Акмалджановна

Ўзбекистон Республикаси Жамоат

хавфсизлиги университети профессори

юридик фанлар доктори., профессор

Ахмедова Муқаддасхон Турсуновна

Ўзбекистон Республикаси Жамоат

хавфсизлиги университети профессори

юридик фанлар доктори., доцент

Аннотация. Мақолада Амир Темур Ватан ободлиги ва мустаҳкамлиги, халқнинг тўқ ва фаровонлиги, тинчлиги ва осудалиги, фуқароларнинг сиҳат-саломат бўлиши, маънавий-руҳий, жисмоний соғлом ва бақувватлиги табиатнинг мусаффолигига, унинг бойликлари сероблигига, она-заминга қанчалик эҳтиромла муносабатда бўлишга ва давлат сиёсати ҳақидаги қарашлари ёритилган.

Калит сўзлар. Боғи Чинор, Боғи Дилкушо, Боғи Беҳишт, Боғи Баланд, ободонлаштириш, кўкамламзорлаштириш, бунёдкорлик, дехқончилик, боғ яратиш, суғориш.

Юртни обод қилишни, ҳар бир шаҳар ва қишлоқни кўкаламзорлаштиришни, нообод жойларни гуллаб-яшнатишни Амир Темур ўзи учун асосий мақсад деб билган. Бунинг учун у ҳеч нарсани – на вақтини, на меҳнат ва маблағини аямаган. Бу масалани у давлат сиёсати даражасига кўтарган. Марказий Осиё, айниқса Мовароуннаҳр халқлари тарихида буюк давлат арбоби ва саркарда Амир Темур ва унинг авлодлари – Темурийлар сулоласи даврида ўзининг юқори босқичига кўтарилди. Шу сабабдан XIV-XV асрлар, яъни Темурийлар даври илм-фан, маданият ва маънавиятда, адабиёт ва санъатда, ободончилик, бунёдкорлик тарихида буюк юксалиш, икинчи Шарқ Уйғониш даври деб эътироф этилган.

Амир Темурнинг бевосита раҳнамолигида бунёд этилган Бибихоним жомеъ масжиди, Гўри Амир ва Аҳмад Яссавий, Занги ота мақбаралари, Оқсарой ва Шоҳи Зиндадаги меъморий мўъжизалар, Боғи Чинор, Боғи Дилкушо, Боғи Беҳишт, Боғи Баланд сингари ўнлаб гўзал сарой-боғлар ва бошқа иншоотлар шулар жумласига киради. Бу обидалар, ҳеч шубҳасиз, инсон тафаккури ва акл-заковатининг буюк тимсолларидир.

Тарихчи Шарофиддин Али Яздийнинг гувоҳлик беришича, Амир Темур “Ободончиликка ярайдиган бирон қарич ернинг ҳам зое бўлишини раво кўрмасди”. Унинг “Қай бир жойдан бир ғишт олсам, ўрнига ўн ғишт қўйдирдим, бир дараҳт кестирсам, ўрнига ўнта кўчат эктиридим”, деган сўзлари фикримизнинг далилидир”¹.

Амир Темур Ватан ободлиги ва мустаҳкамлиги, халқнинг тўқ ва фаровонлиги, тинчлиги ва осудалиги, фуқароларнинг сиҳат-саломат бўлиши, маънавий-руҳий, жисмоний соғлом ва бақувватлиги табиатнинг мусаффолигига, унинг бойликлари сероблигига, она-заминга қанчалик эҳтиромла муносабатда бўлишга ва давлат сиёсатига қараб белгиланади, деб тушунган. Ана шу умумбашарий қонун-қоидалар ва қадриятларга, шарқона, туркийёна, ўзбекона қадимий анъаналарга, ислом таълимотига, ўтмиш мутафаккирларнинг йўл-йўриклирига, жаҳон халқлари ва мамлакатлари тажрибаларига асосланиб сиёsat юргизган, ижро этиш учун дастурий қўлланмалар, йўлланмалар яратган, асарлар, тузуклар битган.

Амир Темур ўзининг пешона тери, қадоқли қўли, ақл-идроқи ва тафаккури билан сахий заминдан мўл-кўл ҳосил этишириб, мамлакатни арпа-буғдой, сабзавот, мева, гўшт, ёғ, сут, жун билан таъминловчи дехқонларга, қишлоқ меҳнаткашларига, чорвадору боғбонларга алоҳида эътибор билан қараган, уларни моддий-маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаб, руҳлантириб турган, уларни маълум вақтгача солиқлардан, бошқа мажбурий тўловлардан озод қилган. Раиятдан мол-хирож йифишида уларни оғир аҳволга солишдан ёки мамлакатни қашшоқликка тушириб қўйишидан сақланиш ҳақида амр этган. Раият қўйналса давлат хазинаси камбағалланишини яхши тушунган. Хазина камбағаллашса аскар тарқалиб кетишига, бу эса салтанатнинг кучсизланишига сабаб бўлишини уқтирган. Бу ҳақда Амир Темур шундай дейди: “Ҳар шаҳар ва ҳар ердан олинадиган жон солиғи, касби-хунардан ҳамда ўтлоқ ва сувоқдан олинадиган солиқни тўплашда қадимдан келган тартиб қоидага амал қилинлар. Борди-ю бунга раият рози бўлмаса, бори-бўлганича иш тутсинлар. Амр қилдимки, ҳосил пишиб етилмасдан бурун раиятдан моли жиҳот олинмасин. Ҳосил етгач, ҳосилни уч бўлиб олсинлар. Агар раият солиқ тўпловчи юбормасдан, солиқни ўзи келтириб берса, у ҳолда у ерга солиқ тўпловчи юбормасинлар”².

Амир Темур мамлакат ободончилигига биринчи даражали аҳамият берган. Кимда-ким хароб бўлиб, эгасиз бўлиб ётган ерларга эътибор бериб, парвариш қилиб, сув чиқариб боғ-роғ қиласа катта имтиёзларга эга бўлган. “Темур тузуклари”даги мана бу сўзларга бир эътибор қилайлик: “Яна амр этдимки, кимки бирон саҳрони обод қиласа, кориз қурса ё бирон боғ кўпайтиrsa, ёхуд бирон хароб бўлиб ётган ерни обод қиласа, биринчи йили ундан ҳеч нарса олмасинлар, иккинчи йили раият ўз розилиги билан берганини олсинлар, учинчи йили (эса олиқ-солиқ) қонун-қоидасига мувофиқ хирож йифилсин”³.

Амир Темур замонида Зарафшон воҳаси Истаҳри таърифлаган гўзаллигини сақлаб қолган эди. Соҳибқирон фаҳр билан айтар эканки, “Менинг бир боғим борки, у Бухородан Самарқанд-гачадир”. Яна айтар эканларки, “Шоҳ бўлсанг-да боғ ярат, гадо бўлсанг-да боғ ярат, бир куни мевасидан тотарсан”. Кудратли салтанат пойтахти теварагида Амир Темур томонидан бунёд этилган боғлар хусусида муарриҳ Абу Тоҳирхўжа Самарқандий ёзади: “Самарқандда Амир Темур Кўрагон солдирган боғларким, Эрам гулистони рашқ қилар даражада еттита экан”⁴.

Соҳибқирон Амир Темур томонидан Самарқанд шаҳри атрофида 1378-1404 йилларда бир неча катта боғлар бунёд этилдиким, ҳар бир боғда шоҳона кўшклар қўрилган. Уларнинг номлари кўйидагича⁵: Боги Нав, Боги Жаҳоннамо, Боги Баланд, Боги Бехишт, Боги Чинор, Боги Дилкушо, Боги

¹ Шарофиддин Али Яздий. Зафарнома. Т., “Ўзбекистон”, 1997, 187-бет.

² Темур тузуклари. Т., Faфур Ғулом, 1991, 99-бет.

³ Ўша асар. 99-бет.

⁴ Хуршид Даврон. Соҳибқирон набираси. Т., Шарқ, 1994, 195-196-бетлар.

⁵ Бу ҳақда қаранг: Шарафиддин Али Яздий. Зафарнома. Т., “Шарқ”, 1997; Низомиддин Шомий. Зафарнома. Т., “Ўзбекистон”, 1996; Херман Вамбери. Бухоро ёхуд Мовароуннаҳар тарихи. Т., “Фоғур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти”, 1990; Амир Темур ва Улуғбек замондошлари хотирасида. Т., “Ўқитувчи”, 1996; Бўрибой Аҳмедов. Амир Темур дарслари. Т., “Шарқ”, 2001; Омонулло Бўриев. Темурийлар даври ёзма манбааларида Марказий Осиё. Т., “Ўзбекистон”, 1997; Хуршид Даврон. Соҳибқирон набираси. Т., “Шарқ”, 1995; Исмоил ака. Буюқ Темур давлати. Т., “Чўлпон”, 1996.

Зоғон, Боги Шимол, Боги Бўлду, Боги Нақши Жаҳон, Боги Давлатобод, Боги Майдон, Боги Амирзода Шоҳруҳ, Боги Амирзода Улуғбек ва бошқалар.

Буюк саркарда Амир Темур даврида барпо этилган боғлар учун жой танлашда жойнинг боҳаволилигига, хушманзаралигига, баланд-пастлигига, сув манбаларининг оз-кўплигига ва табиатнинг бошқа хусусиятларига алоҳида аҳамият берилган. Боғчорбоғ қурилишида соҳибқирон ҳазратларининг ақл-идрок ва тафаккури, диди нечоғлик юксаклиги, талаби ниҳоятда баландлиги ҳар дақиқа сезилиб, манман деган меъморларни хайрону лол қолдириб турган. Номи зикр этилган боғларнинг ҳар бири турили қисмларида ариқлардан ташқари ҳовузлар, фавворалар, шунингдек, сув ҳавзалари ҳам бўлиб боғларга файз киритиб ҳавони мусаффолаштирган, микроиқлим яратган.

Хулоса қилиб айтганда, тарихда жаҳонгирлар кўп ўтган. Лекин мамлакатни обод ва гўзал қилишда, ободонлаштириш ва бунёдкорликда, шаҳарларни сўлим боғлар билан сайқаллаштиришда, эҳтимол, бошқа бирон-бир жаҳонгир Амир Темурга тенглаша олмаса керак. Бу кўхна дунёда ўтган жаҳонгирларнинг аксарияти сув тўғонларини бузган, боғу бўстонларни сахроларга айлантирган, каналлар ва сув ўзанларини бошқа томонларга буриб юборишган, мевали дараҳтларни ваҳшийларча кестириб ташлаган. Зоро, Амир Темурнинг улардан фарқи, улуғлиги аввало шундаки, у умр бўйи табиатга меҳр қўйган ҳолда яшади, бунёдкорлик билан машғул бўлди, сув йўллари очдириди, ариқлар, анхорлар қаздирди, элу юртни сув билан сероб қилди.